

МЕНИНГ КЕЛАЖАГИМ

Ота-онам яримутказгичлар физикаси соҳасида мутахассис бўлганликлари учунми мен ҳам болалигимдан бу соҳага қилиқиб қолгандим. Қолаверса, Санкт-Петербург шаҳрида таваллуд топганим ҳам уз таъсирини курсатган. Чунки болалигим физиклар муҳитида ўтган. Бу ўринда гап нафақат физик ота-онам, балки Россиянинг йирик олимлари туғрисида ҳамдир. Чунки А.Ф. Иоффе номидаги Физикатехника институти купгина олимларини айнан яримутказгичлар физикаси соҳаси дунёга танитган ва машҳур қилган. Жумладан Александр Александрович Лебедев — яримутказгичларда чуқур сатҳлар физикаси асосчиси, 2000 йилда Нобель мукофоти соҳриндори бўлган Жорес Иванович Алферов — дунёдаги жуда йирик олимлардан биридир.

Шаҳримиздаги 50-куп тармоқли мактабда ҳам физика-математика синфида таҳсил олганим, мактабни битириб, Миллий униперситетни танлашимда катта туртки бўлган. Физика фани бўйича илмий изланишларим менинг ҳаётимга айланиб бўлган, бу менинг келажагим.

* * *

Университетнинг учинчи курсида ҳаётимдаги энг муҳим воқеалардан бири рўй берган эди: аъло баҳоларга ўқиганлигим ва жамоат ишларида фаол иштироким учун Мирзо Улуғбек номидаги Давлат стипендияси соҳриндори бўлдим. Шундан сунг ишлаш иштиёқим ва фанга қизиқишим янада ортди.

2006 йилда Давлат илмий-техника дастури бўйича 2006—2008 йиллар учун эълон қилинган танловда ғолиб бўлдим. 2007 йил мен учун машаққатли ва ижобий натижаларга эришиш йили бўлди, десам муболаға бўлмайди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган республика олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар томонидан илм-фанда ва ишлаб чиқаришда бажарилган энг яхши илмий изланишлар танловининг «Физика» йуналиши бўйича ғолиби бўлдим.

Қилинаётган илмий ишларимнинг ютуғи сифатида 2007 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ўзбекистон белгиси» кукрак нишони билан тақдирландим. Шу йили қилган меҳнатим, аъло баҳоларга уқиганлигим ва илмий ишларимга катта баҳо берилди. Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлдим.

2007 йил апрель ойида мен Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида «ЛОМОНОСОВ-2007» номли халқаро иқтидорли талабалар, ёш олимлар, аспирант ва докторантлар илмий-амалий анжуманида уз маърузам билан Ўзбекистон номидан қатнашиб келдим.

Бажарилган илмий ишларга россиялик олимларнинг қизиқиши катта бўлганлиги туфайли МДУ олимлари ва талабалари ҳамда МДХ олий таълим муассасалари олимлари билан узаро фикрлар алмашилди ҳамда яримутказгичлар физикасида кейинчалик ҳамкорлик қилиш туғрисида келишиб олинди.

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар бўйича 35 дан зиёд илмий мақола ва тезисларим турли халқаро илмий журнал, тўпламларда чоп этилган.

Бугунги кунда олинган илмий тадқиқот ишларим монокристалл кремний асосида ишлайдиган металл — диэлектрик — яримутказич структураларнинг инфрақизил нурларга сезгир ва радиация ҳамда турли ҳароратларга чидамли янги типдаги структураларни яратиш имкониятини очмоқда. Ҳозирги кунда илмий тадқиқот ишларим номзодлик диссертацияси учун етарли ва уни ёзиб тугатдим. Шу боис бу йил магистратурани тугатишда номзодлик диссертациясини ёқламоқчиман.